

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ МУАССАСАСИ**

ЭРГАШЕВ СУХРОБ ПАНЖИ ЎҒЛИ

**МИТРАЛ ҚОПҚОҚ ШИКАСТЛАНИШЛАРИНИ ЖАРРОҲЛИК
ДАВОЛАШ БОСҚИЧЛАРИДА ВОЛЕМИК ҲОЛАТ
БУЗИЛИШЛАРИНИ ТЎҒИРЛАШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.37 –Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation the abstract of doctor of philosophy (PhD)

Эргашев Сухроб Панжи ўғли

Митрал қопқоқ шикастланишларини жарроҳлик даволаш босқичларида
волемик ҳолат бузилишларини тўғирлаш ва назорат қилишни
оптималлаштириш 3

Эргашев Сухроб Панжи ўғли

Оптимизация мониторинга и коррекции нарушений волемического статуса на
этапах хирургического лечения поражений митрального клапана 23

Ergashev Sukhrob Panji ugli

Optimization of monitoring and correction of volume status disorders at the stages
of surgical treatment of mitral valve lesions 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 48

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ МУАССАСАСИ**

ЭРГАШЕВ СУХРОБ ПАНЖИ ЎҒЛИ

**МИТРАЛ ҚОПҚОҚ ШИКАСТЛАНИШЛАРИНИ ЖАРРОҲЛИК
ДАВОЛАШ БОСҚИЧЛАРИДА ВОЛЕМИК ҲОЛАТ
БУЗИЛИШЛАРИНИ ТЎҒИРЛАШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.37 –Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Tib4765 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» Давлат муассасасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.bmtm.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибадов Равшан Алиевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сатвалдийева Елмира Абдусаматовна – т.ф.д., профессор, БМТМ. болалар анестезиологияси ва интенсив терапия бўлими мудир.

Акалайев Рустам Нурмухамедович - т.ф.д., профессор, токсикалогия ва экстракорпорал детоксикация бўлими раҳбари.

Етакчи ташкилот:

«Гродно давлат тиббиёт университети» (Гродно шаҳри, Беларусия Республикаси)

Диссертация ҳимояси Болалар миллий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 294-уй. Тел./факс: (+99855) 503-03-66, ilmiy.kengash@bmtm.uz).

Диссертация билан Болалар миллий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишишмумкин (_____ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 294-уй. Тел./факс: (+99855) 503-03-66.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди. (2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.С. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Н.Ш. Эргашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. ЖССТнинг берган маълумотларига кўра, юрак қон-томир тизими касалликлари, шу жумладан юрак ишемик касаллиги, сереброваскуляр касалликлар ва юракнинг ревматик нуқсонлари бутун дунёда ўлимнинг асосий сабаби ҳисобланиб, йилига 17,9 миллион кишининг ҳаётига зомин бўлмоқда. Барча орттирилган юрак нуқсонлари (ОЮН) орасида ревматик нуқсонлар 75-80% ҳолларда учрайди, митрал қопқоқ (МК) нуқсонларининг учраши эса 90% га тенг. Бунда МКнинг чегараланган шикастланиши 62,3%, аортал - 11,4%, митрал ва аортал шикастланишларнинг аралаш ҳолати 16,7%, ТҚ шикастланишининг бошқа нуқсонлар билан биргаликда келиши 10,6% беморларда учрайди.¹ Жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта даврда қўлланиладиган технологияларнинг яхшиланишига қарамай юрак етишмовчилиги ривожланиш ҳолатлари кам эмас. М.Chen et al. (2021)нинг маълумотларига кўра буларнинг асосий сабаби қуйидагилардир: чап қоринчанинг ўткир етишмовчилиги, гиперволемиа ва унинг оқибатида чап қоринча (ЧК)нинг қисқариш қобилятининг компетенцизлиги². Шу нуқтаи назардан, кўплаб нашрларда кардиожарроҳлик амалиётини бошдан кечирган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш учун соҳалар аро бригада аъзолари ўртасида ёрдам координациясини яхшилаш муҳимлиги қайд этилмоқда. Кардиожарроҳлик амалиётлари, айниқса юракнинг қопқоқ аппарати аралаш шикастланишлари, юқори периоперацион хавфга эга бўлиб, бемор ҳолатини замонавий кузатув билан таъминлашни, етарли даражада фармакологик таъминотни ва профессионал кадр потенциалини талаб қилади.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида кардиохирургияда мақсадли йўналтирилган гемодинамик ва инфузион терапия ўтказишда хавф омиллари, сабаб – оқибат алоқалари ва мониторинг хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тўғридан-тўғри беморнинг натижаларига таъсир қилувчи миокардиал дисфункциялар даражаси, марказий веноз босим, юрак отиши ва тизимли томир резистентлиги кўрсаткичлари каби асосий башоратчиларни аниқлаш ушбу тадқиқотларнинг диққат марказидадир. Трансторакал ва трансэзофагеал эхокардиография, термодилюция ёрдамида юрак отишини индекслаш каби замонавий технологиялар, шунингдек кислород баланси параметрларини назорат қилиш кузатувнинг хусусиятларига киради. Аниқланган сабаб-оқибат алоқалари полиорган етишмовчилиги, ишемик шикастланишлар ва гипоперфузия каби асоратлар ривожланишини камайтириш орқали терапия протоколинини яхшилашга имкон беради.

¹ World Health Organization. Clinical management of cardiovascular deasis- (2021). Passos LSA, et al. Rheumatic heart disease in the modern era: recent developments and current challenges. Rev Soc Bras Med Trop. 2019

² Chen M, Yao X, Wang D, Li C, Ma F, Li R, Wang H, Wei S, Zhou Q. Long-term cardiac remodeling associated with heart failure following left-ventricular valve replacement surgery: A retrospective study. Medicine (Baltimore). 2021 Jul 30;100(30):e26594. doi: 10.1097/MD.00000000000026594.

Маълумки, соғлиқни сақлашнинг миллий модели ривожланишида устуворликлар аҳолининг заиф гуруҳлар беморларини, шу жумладан кардиология йўналишида, замонавий принципларнинг жорий этилиши ҳисобига улар билан боғлиқ шошилиш ҳолатларда даволаш натижаларини яхшилашга ва реаниматологик ҳамда анестезиологик хизматлар имкониятини кенгайтиришга асосланиши керак. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясига етита устувор йўналишлари бўйича аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш вазифаси киритилган ³. Кардиореаниматологик ва анестезиологик қўлланмаларни оптималаштириш йўли билан ушбу вазифаларни амалга ошириш юрак – томир жарроҳлиги йўналишида умуман тиббиётда ўта долзарб саналади.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум бир даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.05.2021 йилдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 25.04.2022 йилдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ҳамда ушбу фаолият билан боғлиқ бошқа ҳуқуқий норматив ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Реаниматология ривожининг замонавий босқичида The European Society of Cardiology», «The Heart Failure Association» ва «The American Society of Cardiology» ҳомийлигида ўтказилган турли форумларда қабул қилинган резолюция ва тавсияномалар юрак отиши, аъзолар фаолиятини тиклаш, шунингдек ҳар қандай этиологияли шокда аъзолар етишмовчилиги ривожланиш хавфини камайтириш мақсадида агрессив инфузион терапиянинг зарурлигини кўрсатмоқда⁴. Бироқ инфузион юкламанинг орттирилиши реперфузион синдром, гликокаликснинг шикастланиши, капилляр оқиши ва гипергидратация каби қатор асоратларни юзага келтириши мумкин⁵. Шунини таъкидлаш керакки, қон томирлар ўтказувчанлигининг ортиши шароитида ҳаддан ортиқ волемик юклама салбий ҳолатга олиб келиши мумкин. Бундай дилемма инфузион терапияга босқичма

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони.

⁴ McDonagh TA, Metra M, Adamo M. et al. ESC Scientific Document Group. 2021 ESC Guidelines for the diagnosis and treatment of acute and chronic heart failure. Eur Heart J. 2021 Sep 21;42(36):3599-3726. doi: 10.1093/eurheartj/ehab368. Erratum in: Eur Heart J. 2021 Oct 14; PMID: 34447992.

⁵ Кузьков В. В. С соавт. Волемический статус и фазовый подход к терапии критических состояний — новые возможности и перспективы //Анестезиология и реаниматология. 2015; 60(6): 65-70.

– босқич ёндошишни ва уни етарли даражада кузатиб боришни амалга ошириш зарурлигини таъкидлайди. Периоператив босқичга, аъзолар дисфункцияси ривожланиш хавфи ва беморнинг индивидуал хусусиятларига мувофиқ инфузион терапиянинг тури ва хажми эҳтиёткорлик билан танланиши лозим. Мутахассисларнинг таъкидлашича, волемик статуснинг адекват ҳолатини периоперацион қўллаб қувватлаш операциядан сўнг оптимал натижаларга эришиш учун зарур, бироқ оптимал таркиб ва интраоперацион инфузион терапиянинг хажмига нисбатан мунозаралар мавжуд⁶.

Ҳатто ҳисобланган физиологик инфузион терапия ҳам юракнинг чап қисмларининг ортикча юкланишига ва мос равишда қисқариш қобилятининг пасайишига олиб келади, бу эса ўз навбатида катехоламинларни юқори миқдорда қўшишга сабаб бўлади, бу ҳам прогностик жиҳатдан салбий белги саналади⁷. Кардиохирургик операциялардан сўнг ўлим ҳолатининг паст (1-5%) бўлишига қарамай, асоратлар учраш частотаси юқорилигича қолмоқда, бу эса инфекциялар, нафас етишмовчилиги, баъзан ўринбосар буйрак терапиясини узоқ вақт талаб этувчи ўткир буйрак етишмовчилиги билан боғлиқ. Метатахлилларнинг кўрсатишича, мақсадга йўналтирилган гемодинамик терапиянинг (ГДТ) қўлланилиши, гарчи ўлим ҳолатига таъсири баҳсли бўлиб қолса-да, инфекция, паст юрак отиши синдроми частотасини камайтиради ва госпитализация давомийлигини қисқартиради⁸. Шундай қилиб, E.A. Osawa et al. (2016) тадқиқотларида «ГДТнинг қўлланилиши инфекциялар (12,9% дан 29,7% гача, $p=0,022$) ва паст юрак отиши синдроми частотасини (6,5% дан 26,6% гача, $p=0,002$) камайтирди, лекин 30-кунлик ўлим ҳолати, инсулт ва буйрак етишмовчилиги частотасига таъсир қилмади»⁹. Протокол ва кузатув услубларининг хилма хиллиги ГДТни стандартлаштиришни қийинлаштиради. Анъанавий равишда ўпка артерияси катетерлари қўлланилар эди, бироқ замонавий текширувлар эзофагеал доплер ва юқори хажми (ЮХ), юрак отиши (ЮО), чап қоринча қисқариш фракцияси (ЧҚҚФ), юрак отиши индекси (ЮОИ) ва бошқа параметрларни ўлчовчи тизимлар каби кам инвазив услубларга ўтмоқда¹⁰. Кардиожарроҳликда ГДТнинг қўлланилиши чегараланган бўлса-да, метатахлиллар натижалари унинг асоратлар учраш частотасининг камайиши ҳамда госпитализация муддатининг қисқаришида самарадор эканига далолат қилмоқда. Ушбу ёндошувнинг кейинги ривожини учун протоколларни стандартлашга ва узоқ муддатли натижаларни ўрганишга йўналтирилган қўшимча тадқиқотлар талаб этилади.

⁶ Жиров И.В. и др. Оптимизация определения волемического статуса у пациентов с острой декомпенсацией сердечной недостаточности. Российский кардиологический журнал. 2022;27(5):5039. <https://doi.org/10.15829/1560-4071-2022-5039>

⁷ Casey JD, Brown RM, Semler MW. Resuscitation fluids. *Curr Opin Crit Care*. 2018 Dec;24(6):512-518.

⁸ Saraf S, Karnad DR. Goal-directed Therapy: Does It Work in Postcardiac Surgery Patients, Unlike in Sepsis? *Indian J Crit Care Med*. 2020 May;24(5):287-288. doi: 10.5005/jp-journals-10071-23452.

⁹ Osawa EA, Rhodes A, Landoni G, Galas FRBG, Fukushima JT, Park CHL, et al. Effect of perioperative goal-directed hemodynamic resuscitation therapy on outcomes following cardiac surgery: a randomized clinical trial and systematic review. *Crit Care Med*. 2016;44(4):724—733. doi: 10.1097/CCM.0000000000001479

¹⁰ Orihashi K. Intraoperative Transesophageal Echocardiography. *Kyobu Geka*. 2018 Sep;71(10):763-768.

Шундай қилиб, ўтказилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, МҚ нуқсони коррекциясининг периператив босқичларида волемик статус бузилишларида оптимал ёндошувни танлаш билан боғлиқ кўплаб муаммолар ҳамон баҳс мунозараларга сабаб бўлмоқда ва янада такомиллаштиришни талаб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» Давлат муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади периператив гемодинамик бошқарувни оптималлаштириш орқали митрал қопқоқда жаррохлик амалётидан кейинги давр натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

МҚни протезлашдан кейинги яқин даврда волемик статус бузилиши механизмларини аниқлаш;

МҚни протезлашнинг периперацион босқичларида волемик статуснинг бузилишида ЧҚ қисқариш фракцияси кузатуви самарадорлигини қиёсий жиҳатдан аниқлаш;

МҚни протезлаш босқичларида эритроцитлар морфофункционал ҳолатини ўрганиш йўли билан волемик статусни тузатиш пайтида коллоид кўллаб қувватловнинг самарадорлигини баҳолаш;

COVID-19 пневмониясини бошдан кечирган МҚ шикастланган беморларда жаррохлик амалиётидан кейинги яқин даврни ўрганиш;

МҚ шикастланишини хирургик даволашда периператив кузатув протоколинини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида «Академик В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ» ДМнинг реанимация ва интенсив терапия бўлимида даволанган, МҚ жаррохлик амалиётини бошдан кечирган 146 нафар бемор олинган.

Тадқиқот предмети специфик асоратлар ривожланиш хавф омилларини аниқлаш билан МҚни хирургик даволаш босқичларида волемик статус бузилишларини таклиф қилинган коррекциялаш протоколининг самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги методлар қўлланилган: умумклиник, инструментал, лаборатор ва статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

митрал қопқоқни коррекциялаш босқичларида беморлар организмида ҳатто ҳисобланган физиологик инфузион юкламаси ҳам юрак чап қисмларининг зўриқишига ва мос равишда унинг қисқариш хусусиятини пасайишига олиб келиши, бу эса ўз навбатида юқори доза инотропларга эҳтиёжни ошириши, прогностик режада бу оператив даволаш натижасининг ножўя белгиси эканлиги аниқланган;

чап қоринча қисқариш фракцияси чап қоринча хажмининг якуний диастолик хажм катталашишининг ва юрак қопқоқлари жарроҳлигидан кейинги беморларда юрак етишмовчилигининг дастлабки клиник белгилари пайдо бўлишининг нисбатан эрта ва максимал ахборот кўрсаткичи саналиши исботланган;

эритроцитлар шаклининг экспресс кузатуви аҳамияти кўрсатилган, бу эса сунъий айланишдан кейин гемоциркулятор микроокклюзия натижасида юзага келган волемик статус ва циркулятор гипоксиянинг оғирлигини морфологик аниқлашнинг носпецифик усули саналади;

анамнезида COVID-19 пневмониясини бошдан кечирган беморларда жарроҳлик амалиётидан кейинги яқин даврдаги клиник кечиш юрак қон томир етишмовчилигини даволаш протоколини кенгайтириш ҳамда респиратор қўллаб қувватлаш нуктаи назаридан юрак-ўпка тизимининг қўшимча кузатувини талаб қилувчи ўзига хос фарқли хусусиятларга эгаллиги белгиланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

МҚ шикастланишларини хирургик даволашнинг периоператив босқичларида волемик ҳолатни коррекциялаш ЧҚнинг қисқариш хусусиятини сақлаб қолиши ва яхшилаши, шу билан миокарднинг инотроп қўллаб қувватланишига эҳтиёжини камайтириши ва хирургик даволашнинг яқин натижаларини яхшилаши исботланган;

юрак қопқоқларининг жарроҳлигидан кейин беморларда юрак етишмовчилигининг дастлабки клиник белгилари юзага келишининг эрта ва информатив кўрсаткичи саналган ЧҚҚФ текширув йўли билан юрак қон-томир тизими динамикаси кузатуви баҳоланган;

периферик қондаги эритроцитлар ҳолатини “семиз томчи” экспресс усули ёрдамида морфометрик тешкшириш волемик статус ва унинг коррекцияси самарадорлигини баҳолашнинг альтернатив ва объектив усули эканлиги кўрсатиб берилган;

анамнезида COVID-19 пневмониясини бошдан кечирган, МҚ шикастланиши бўлган беморларга юрак қон-томир тизимини қўшимча кузатиш, ЮҚТЕ коррекцияси протоколини кенгайтириш ва респиратор қўллаб қувватлаш зарурлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги МҚ нуқсонли беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонларини, замонавий лаборатор ва инструментал диагностика усулларини, услубий ёндошувларни тўғри қўллаш билан асосланади. Статистик таҳлил олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар назарий аҳамиятга эгаллиги билан белгиланади, бу МКПдан кейин юрак фаолияти динамикасининг функционал параметрларини тиклаш самарадорлигини аниқлаш учун МҚ нуқсонларини хирургик даволаш босқичларида беморларни кузатиш ва даволаш жиҳатларини яхшилашга каттаҳисса қўшади.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижаларга асосланиб, МҚни хирургик даволашда периператив босқичларда анестезиологик ва реанимацион ёндашувлар оптималлаштирилган. Олинган тадқиқот натижалари юрак қопқоғи жарроҳликларида миллий кардиоанестезиологик ва реаниматологик хизмат ҳолатини оптималлаштиришга имкон беради, услубий ёндашувларни стандартлаштириш бўйича таклиф қилинган мезонлар МҚ патологияси мавжуд бўлган беморларни жарроҳлик амалиёти билан таъминлаш учун кадр потенциалини шакллантиришга ва малакали мутахассисларни тайёрлашга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. периператив гемодинамик бошқарувни оптималлаштириш орқали митрал қопқоқда жарроҳлик амалётидан кейинги давр натижаларини яхшилаш натижасида қуйидаги илмий маълумотлар жорий этилган:

биринчи илмий янгилик: митрал қопқоқни коррекциялаш босқичларида беморлар организмида ҳатто ҳисобланган физиологик инфузион юкламаси ҳам юрак чап қисмларининг зўриқишига ва мос равишда унинг қисқариш хусусиятини пасайишига олиб келиши, бу эса ўз навбатида юқори доза инотропларга эҳтиёжни ошириши, прогностик режада бу оператив даволаш натижасининг ноҳўя белгиси эканлиги аниқланган – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали (02.08.2024 йилдаги №46т буйруқ) ва Андижон кўп тармоқли тиббиёт маркази (10.08.2024 йилдаги 33-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгаши 10.03.2025 йилдаги 13/28-сонли ҳулосаси). Ижтимоий самарадорлик: олиб борилган тадқиқотлар натижасида митрал қопқоқ протезлаш амалиёти давомида ва операциядан кейинги даврда специфик асоратларни олдини олишга, беморларнинг умумий соғлиғини яхшилашга ва ҳаёт сифатини оширишга имкон берди. Иқтисодий самарадорлик: митрал қопқоқ протезлаш амалиёти давомида гемодинамик назоратни яхшиланиши инотроп воситаларга эҳтиёжни камайтиришга, респиратор кумакни қисқартиришга ва сунъий нафас вентиляциядаги муддатни 13,0 соатдан 7,3 соатгача қисқариши ҳисобига ҳар бир бемор учун бюджет маблағларини тежаш 304 950 сўмни ташкил этди («Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» Давлат муассасасида 1 кунлик реанимация харажати 1 284 000 сўм деб ҳисобланганда). Агар ҳар бир бемор учун тежамкорлик 304 950 сўмни ташкил этса, йилига ўртача та кенг кўламли ўпка операцияси учун иқтисодий кўрсаткич 44 217 750 сўмни ташкил этади. Хулоса: митрал қопқоқ шикастланишларини хирургик даволашнинг периператив босқичларида волемиқ ҳолатни коррекциялаш, шу билан миокарднинг инотроп қўллаб қувватланишига эҳтиёжини камайтириш ва хирургик даволашнинг яқин натижаларини яхшилаш орқали 1 йил давомида бюджет маблағларидан 44 217 750 сўм тежашга эришилди;

иккинчи илмий янгилик: чап қоринча қисқариш фракцияси чап қоринча хажмининг якуний диастолик хажм катталашишининг ва юрак қопқоқлари жарроҳлигидан кейинги беморларда юрак етишмовчилигининг дастлабки клиник белгилари пайдо бўлишининг нисбатан эрта ва максимал ахборот кўрсаткичи саналиши исботланган – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали (02.08.2024 йилдаги №46т буйруқ) ва Андижон кўп тармоқли тиббиёт маркази (10.18.2024 йилдаги 33-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгаши 10.03.2025 йилдаги 13/28-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлик: ишлаб чиқилган усуллардан фойдаланиш периператив асоратларнинг камайишига, яхши клиник натижалар улушининг ортишига, беморларнинг ҳаёт сифати ва реабилитация кўрсаткичларининг яхшиланиши билан бирга, уларнинг тезроқ соғайиб, меҳнат фаолиятига қайтиши ва жамиятга тўлиқ интеграциялашувига кўмаклашишга имкон берди. Иқтисодий самарадорлик: юрак қопқоқларининг жарроҳлигидан кейин беморларда юрак етишмовчилиги учраши фоизи қисқартирилиши ва стационарда даволаниш муддатларини 13,2 кундан 10,1 кунгача камайиши ҳисобидан ҳар бир бемор учун бюджет маблағларини тежаш 1 488 000 сўмни ташкил этди («Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» Давлат муассасасида 1 кунлик даволаниш харажати 480 000 сўм деб ҳисобланганда). Агар ҳар бир бемор учун тежамкорлик 1 488 000 сўмни ташкил этса, йилига иқтисодий кўрсаткич 215 760 000 сўмни ташкил этади. Хулоса: митрал қопқоқ шикастланишларини хирургик даволашнинг периператив босқичларида волемиқ ҳолатни коррекциялашни оптималлаштириш 1 йилда 215 760 000 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини беради;

учинчи илмий янгилик: эритроцитлар шаклининг экспресс кузатуви аҳамияти кўрсатилган, бу эса сунъий қон айланишдан кейин гемоциркулятор микроокклюзия натижасида юзага келган волемиқ статус ва циркулятор гипоксиянинг оғирлигини морфологик аниқлашнинг носпецифик усули саналади – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали (02.08.2024 йилдаги №46т буйруқ) ва Андижон кўп тармоқли тиббиёт маркази (10.18.2024 йилдаги 33-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгаши 10.03.2025 йилдаги 13/28-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлик: амалиётдан кейинги асоратларининг қон тизими билан боғлиқ сабаб-оқибат алоқаларини аниқлаш беморларда даволаш самарадорлигини ошириш, уларнинг клиник натижаларини яхшилаш, тезроқ тикланиш ва нормал ижтимоий ҳамда меҳнат фаолиятига қайтишга ёрдам берди. Иқтисодий самарадорлик: митрал қопқоқда жарроҳлик амалиётларидан кейинги даврда беморларда қон хужайраларини морфометрик бузилишларини аниқ баҳолаш асосида ҳар бир бемор учун кўшимча лаборатор харажатларни 520 460 сўмга қисқартиришга эришилди. Агар ҳар бир бемор учун тежамкорлик 520 460 сўмни ташкил этса, йилига «Академик В.Воҳидов

номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» Давлат муассасасида 145-та митрал қопқоқ жаррохлик амалиётлари учун иқтисодий кўрсаткич 75 466 700 сўмни ташкил этади. Хулоса: периферик қондаги эритроцитлар ҳолатини “семиз томчи” экспресс усули ёрдамида морфометрик тешкшириш қопқоқ жаррохлик амалиётларидан сўнгги волемиқ статус ва унинг коррекцияси самарадорлигини баҳолашда қўшимча харажатларни қисқартириш 1 йилда 75 466 700 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини беради;

тўртинчи илмий янгилик: анамнезида COVID-19 пневмониясини бошдан кечирган беморларда жаррохлик амалиётидан кейинги яқин даврдаги клиник кечиш юрак қон томир етишмовчилигини даволаш протоколинини кенгайтириш ҳамда респиратор қўллаб қувватлаш нуқтаи назаридан юрак-ўпка тизимининг қўшимча кузатувини талаб қилувчи ўзига хос фарқли хусусиятларга эгаллиги белгиланган – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали (02.08.2024 йилдаги №46т буйруқ) ва Андижон кўп тармоқли тиббиёт маркази (10.18.2024 йилдаги 33-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгаши 10.03.2025 йилдаги 13/28-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлик: анамнезида COVID-19 пневмониясини бошдан кечирган беморларда юрак митрал қопқоғидаги жаррохлик амалиётларидан сўнг кенгайтирилган гемодинамик мониторинг қўлланилиши нафас ва юрак-қон томир тизимлари билан боғлиқ асоратларнинг олдини олишга ва беморнинг тикланишини тезлаштиришга ёрдам берди. Иқтисодий самарадорлик: анамнезида COVID-19 пневмонияси билан касалланган беморларда юрак митрал қопқоғи протезлаш амалиётидан кейинги асоратлар сони қисқартирилди, стационар даволаниш муддатлари 22,2%-га камайди, ва 1 беморга қўшимча харажатлар 1 920 000 сўмга қисқартирилди («Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» Давлат муассасасида 1 кунлик даволаниш харажати 480 000 сўм деб ҳисобланганда). Агар ҳар бир бемор учун тежамкорлик 1 920 000 сўмни ташкил этса, йилига ўртача 24 нафар COVID-19-дан кейинги беморлар учун иқтисодий кўрсаткич 46 080 000 сўмни ташкил этади. Хулоса: анамнезида COVID-19 пневмониясини бошдан кечирган ва митрал қопқоқ шикастланиши бўлган беморларда хирургик даволаниш учун қўшимча харажатларни қисқартириш 1 йилда 46 080 000 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 2 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хотима, якуний хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий – амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва эълон қилинганлиги, тадқиқот ҳажми ва тузилиши келтирилган.

Тадқиқотнинг **“Митрал қопқоқ нуқсонлари билан оғриган беморларда юрак гемодинамикаси бузилишларини периоператив коррекциясининг замонавий аспекти”** номли биринчи боби, ушбу масала бўйича адабиётлар таҳлилини жамлаган бўлиб, долзарб муаммолар ва МКҚ нуқсони билан оғриган беморларни бошқаришга замонавий ёндошув кўриб чиқилган ҳамда паст юрак отиши синдроми, постоператив нафас бузилишлари, метаболик ацидоз ва уларнинг волемик статус билан боғлиқлиги каби периоператив асоратларга эътибор қаратилган. Ушбу бобда волемик статус ва юрак гемодинамикасининг замонавий ташхис ва кузатув усуллари транспульмонал термодиллюция, эхокардиография ҳамда ReDS тизимдек янги технологиялар каби инвазив ва ноинвазив технологиялар билан биргаликда таҳлил қилинган. Шунингдек, волемик статус бузилишининг патогенетик аспекти, ривожланиш механизмлари ва периоперацион даврда коррекцияси тасвирлаб берилган. Бундан ташқари, ушбу бобда асоратларнинг олдини олиш учун периоператив кузатувда эхокардиографиянинг ролига, волемик бузилишларнинг ўз вақтидаги ташхиси ва коррекциясининг аҳамиятига эътибор қаратилган. Бобнинг якунида беморлар бошқарувида клиник натижаларни яхшилаш учун комплекс ва соҳалараро ёндошувнинг муҳимлиги, инфузион терапияга босқичли ёндошувнинг зарурияти ва волемик бузилишларни ўз вақтида коррекциялашнинг аҳамияти қайд этилади.

Диссертациянинг **“Материалнинг клиник характеристикаси ва қўлланилган тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий йўналишлари, шунингдек, беморларни киритиш ва чиқариш мезонлари тасвирланган. Асосий эътибор МКҚни хирургик даволашда волемик статусни таклиф қилинган коррекциялаш протоколи самарадорлик таҳлиliga қаратилган. Бобда 146 нафар беморнинг клиник тавсифи келтирилган бўлиб, улар асосий гуруҳга (эхокардиографик кузатув қўлланилган 72 нафар бемор) ва қиёсий гуруҳга (74 нафар бемор) ажратилган. Уларнинг ёши, жинси, юрак етишмовчилиги даражаси, митрал етишмовчилик даражаси ва ёндош патологиялари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Шунингдек, қўлланилган клиник, лаборатор, инструментал ва статистик текширув услублари тасвирланган. Анестезияни олиб бориш ва реаниматологик ёрдам кўрсатиш услублари ҳамда периоперацион кузатувда ва беморларни қўллаб қувватлашда қўлланиладиган ёндошувлар батафсил

кўриб чиқилган. Юрак функциясини ва гемодинамикани баҳолаш услубларини ўз ичига олган интраоперацион параметрлар муҳокама қилинган.

Диссертациянинг “МҚда жарроҳлик амалиётидан сўнг яқин даврда волемик статус бузилишини баҳолаш” номли учинчи бобида МКПда эхокардиография назорати остида мақсадга йўналтирилган гемодинамик терапия самарадорлигини баҳолаш бўйича натижалар келтирилган. Волемик статус бузилишининг асосий механизми ва МКПда СҚдан ажратгандан сўнг юрак қон томир тизимини (ЮҚТ) узоқ фармакологик қўллаб қувватлаш сабаблари вазоплегия синдроми (146 бемордан 50 нафар; 34,2%) ва паст юрак отиши синдроми (146 бемордан 23 нафар; 15,8%) бўлди. Анестезия давомийлиги $255 \pm 15,6$ дақиқадан $223 \pm 12,9$ дақиқага ($p=0,02$) қисқартирилди, жарроҳлик амалиёти вақти ва аорта окклюзияси вақти билан деярли тенг вақтда. Шунингдек, асосий ва қиёсий гуруҳларда мос равишда 48,6% ва 19,4% ($p < 0,001$) частотада кузатилган СҚдан узишдаги мураккаб ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, СҚ вақти ҳам $94,0 \pm 3,8$ дақиқадан $82,0 \pm 2,8$ дақиқача ($p < 0,001$) қисқартирилди. Кристаллоидларни киритишнинг ўртача тезлиги гуруҳлар орасида статистик фарққа эга бўлмади, худди шундай коллоидларни киритишнинг ўртача тезлиги ҳам. Кристаллоидларнинг ўртача хажми қиёсий гуруҳда 480 мл (350 млдан то 550 млгача) ни асосий гуруҳда (400 млдан то 600 млгача) ташкил қилди ($p=0,65$). Коллоидлар ва қон препаратлари қиёсий гуруҳда 6 нафар (8,1%) ва асосий гуруҳда 5 нафар (7,0%) беморда қўлланилди.

Қиёсий гуруҳда вазопрессор ва инотроп препаратлар статистик жиҳатдан сезиларли даражада тез-тез ишлатилган (1-жадвал).

Ўртача артериал босим (ЎАБ) ва юрак қисқариш сони (ЮҚС) каби интраоперацион гемодинамик кўрсаткичлар СҚга қадар гуруҳлар ўртасида таққосланди, лекин СҚдан сўнг асосий гуруҳдан статистик жиҳатдан яхши натижалар олинди (2-жадвал).

1-жадвал

Гемодинамикага инотроп ва вазопрессор ёрдамни қўллаш бўйича қиёсий маълумотлар

Кўрсаткич	Қиёсий гуруҳ (n=74)	Асосий гуруҳ (n=72)	p-value
Адреналин қўлланилиши, n (%)	12 (16,2%)	3 (4,2%)	0,012
Норадреналин қўлланилиши, n (%)	18 (24,3%)	8 (11,1%)	0,035
Допамин қўлланилиши, n (%)	22 (29,7%)	10 (13,9%)	0,021
Добутагин қўлланилиши, n (%)	14 (18,9%)	4 (5,6%)	0,028

2-жадвал

Марказий гемодинамика кўрсаткичлари бўйича қиёсий маълумотлар

Кўрсаткич	Қиёсий гуруҳ (n=74)	Асосий гуруҳ (n=72)	p-value
СҚдан сўнг ЎАБ, mm.sim.ust.	$69,8 \pm 1,6$ (64–80)	$75,1 \pm 1,9$ (65–84)	0,034
СҚдан сўнг ЮҚС, марта/дақ	$95,6 \pm 2,3$ (80–110)	$88,4 \pm 2,5$ (82–95)	0,036

СКдан сўнг интраоперацион респиратор кўрсаткичлар ва қон таҳлили гуруҳлар орасида аҳамиятсиз фарқни кўрсатди, бу гемодинамик ва респиратор маълумотларнинг адекват қўллаб қувватланиши ҳақида далолат қилади.

Мақсадли йўналтирилган инфузион ва фармакологик коррекция натижасида ўткир буйрак шикастланиши (5,6% асосий гуруҳда, 8,1% қиёсий гуруҳда), миокард ишемияси белгилари (2,8% га 12,2%), юраколди фибрилляцияси (9,7% га 21,6%) ва дастлабки 24 соат давомида гипотензия ҳолатлари (19,4% га 48,6%) каби операциядан кейинги асоратларнинг учраш частотаси камайишига эришилди.

ЎСВ давомийлиги ва РИТБда қолиш вақтининг давомийлиги ҳам асосий гуруҳда сезиларли қисқарди (3-жадвал).

3-жадвал

Госпитализация кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Қиёсий гуруҳ (n=74)	Асосий гуруҳ (n=72)	p-value
ЎСВ, соат	13,0±0,7 (8,4–18,5)	7,33±0,52 (4,2–12,4)	<0,001
Реанимацияда даволаниш, кун	1,8±0,2 (0,8–3,7)	1,1±0,2 (0,8–3,7)	0,014
Стационарда даволаниш, кун	13,0±0,9 (7-18)	10,1±0,6 (6-16)	0,008

Гемодинамика стабилизациясига қадар вақт асосий гуруҳда нисбатан қисқа (6,5±0,44 соат, 10,6±0,5 соат қиёсий гуруҳда, p<0,001) бўлиб, бунда вазопрессорлар ва инотропларга талаб ҳам камроқ бўлган.

Шу тариқа, ушбу тадқиқотда митрал қопқоқ протезлаш амалиёти ўтказилган беморлар ЭхоКГ назорати остида мақсадга йўналтирилган гемодинамик терапияни қўллашда энг яхши тикланишни намоён қилганлар.

ЭхоКг асосида кузатув ва гемодинамика коррекцияси билан беморларни периоператив бошқарув самарадорлиги анъанавий кузатувга нисбатан юқори бўлди, бу эса операциядан кейинги гемодинамик стабиллик кўрсаткичларининг яхшиланиши ва инотроп агентлар билан фармакологик қўллаб қувватлашга талабнинг камайиши билан намоён бўлди. Бу ЎСВ давомийлигининг, РИТБ ва стационарда қолиш вақтининг қисқариши ҳамда операциядан кейинги асоратларнинг камайиши билан кузатилди.

Биз томондан ўтказилган омил таҳлиliga кўра, анамнезида ўрта ёки оғир даражада COVID-19ни бошдан кечириш гемодинамикани узок вақт фармакологик қўллаб қувватлаш хавфини 3,62 баробар оширади (95% ИИ 1.9-7.2; p=0.001). Диссертацион ишнинг ушбу йўналишига МКПдан кейинги 24 нафар бемор киритилган бўлиб, уларда жарроҳлик амалиётига қадар ижобий натижа аниқланган ва «Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий – амалий тиббиёт маркази» ДМда 2021 йилнинг июн ойидан 2023 йилнинг июл ойига қадар жарроҳлик амалиётини бошдан кечирган (4-жадвал). Беморларнинг ҳеч бири COVID-19 инфекцияси билан боғлиқ ҳолда госпитализацияга ёки интубацияга муҳтож бўлмаган.

Кўплаб беморларда операциядан аввалги ўпка функцияси тести меъёрда бўлган 75% (n=18), қолган 25% (n=6) беморлар спирометрияда ўпка нуқонининг рестриктив манзарасига эга бўлган. Уч нафар беморда операциядан аввал кўкрак қафаси рентгенограммасида консолидация кузатилган, бошқаларда эса кўкрак қафаси рентгенограммаси меъёрда бўлган.

СҚнинг ўртача вақти 122 дақиқани, аорта окклюзиясининг ўртача вақти эса 93 дақиқани ташкил қилди. Экстубациягача ўртача вақт $22 \pm 3,6$ соатни ташкил қилди. РИТБда қолишнинг ўртача муддати эса 2 кунни ташкил қилди. Операциядан кейинги даврда беш нафар беморга операциядан кейин 24 соат ичида, уч нафарига операциядан кейинги 1 кун давомида ва икки нафар беморга операциядан кейин 2-кунида экстубация амалга оширилган. Беморларнинг 25%и (24 дан 6 нафари) экстубациядан кейин ноинвазив вентилизацияга муҳтож бўлган ва бир нафар беморга уйига узоқ вақт оксигенотерапия билан жавоб берилган.

Барча беморларга узоқ муддатли инотроп қўллаб қувватлов керак бўлган. Беморларнинг ҳеч бирига такрорий интубация керак бўлмади. Бироқ 25% беморларда (n=6) нафас етишмовчилиги юзага келди. 25% (n=6) беморлар экстубациядан сўнг СРАР/ВіРАР шаклидаги ноинвазив вентилизацияга муҳтож бўлди. Бу 6 нафар бемордан икки нафарига палатада узоқ муддатли оксигенотерапия керак бўлди. Икки нафар беморда ўткир буйрак шикастланиши (ЎБШ) ривожланди. Иккала беморда ҳам стационардан кетгунигача буйраклар функцияси дастлабки ҳолатига қадар тикланди. 14 нафар беморлар 2 кундан кам, 8 нафар бемор 3 кундан 7 кунгача, 2 нафар бемор эса бир хафтадан ортиқ вақт давомида РИТБда қолди.

4-жадвал

Операциядан кейинги хусусиятлар

	Кўрсаткич	n (%)
Экстубациягача бўлган вақт	<24 соат	10 (41,6%)
	>24 соат	8 (33,3%)
	>48 соат	6 (25,0%)
Операциядан кейинги асоратлар	Нафас етишмовчилиги	6 (25%)
	Ноинвазив ЎСВ	6 (25%)
	Трахея реинтубацияси	0
	Ўткир буйрак шикастланиши	4 (16,7%)
	Ўткир юрак етишмовчилиги	2 (8,3%)
Госпитализация давомийлиги	7 суткагача	6 (25,0%)
	8-14 сутка	12 (50%)
	>14 сутка	4 (16,7%)

Жарроҳлик амалиётидан сўнг стационарда қолиб то уйига жавоб берилгунигача бўлган ўртача давомийлик 16 кунни ташкил қилди. Касалхонада жарроҳлик амалиётидан сўнг 25% беморлар (n=6) 2 ҳафтадан кам, 50% беморлар (n=12) 14-21 кун вақт ўтказишган. ЎСВда узоқ узилиш, юрак етишмовчилигини даволаш, мақсадли ХММ варфаринизацияси ва ютуғи, шунингдек ЎБШни даволаш Стационарда узоқ вақт қолишининг сабаби бўлди.

Шу тариқа, МКЕ билан оғриган ва операциядан аввалги COVID-19 дан кейин соғайиш давридаги беморларда МКП хавфсиз амалга оширилиши мумкин. Мураккаб вазиятларда жарроҳлик амалиётининг вақтини танлашда мульти интизомга эга жамоавий ёндошув фойдали бўлиши мумкин.


Диссертациянинг “**МКПдан сўнг коллоидларни мақсадли қўллашни баҳолашда периферик қоннинг морфометрик текшируви**” номли **тўртинчи бобида** МКПни бошдан кечирган беморларда турли инфузион эритмаларни (гидроксиетилкрахмал (ГЕК), суксинилланган желатиннинг 4%лик эритмаси ва физиологик эритма) қўллагандан сўнг периферик қондаги эритроцитлар морфологиясидаги ўзгаришларни, шунингдек, операциядан кейинги ҳолатни яхшилаш учун ушбу эритмалардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш натижалари келтирилган. Ушбу бобда айниқса кардиохирургик амалиётларнинг периоперацион давридаги оғир ҳолатдаги беморларни даволашда инфузион терапиянинг муҳимлиги муҳокама қилинади. Инфузион эритмаларнинг кенг қўлланилишига қарамай, даволаш натижаларининг яхшиланишига ва асоратлар хавфини камайтиришга имкон берувчи оптимал эритмани танлаш муаммоси долзарблигича қолмоқда.

Тадқиқот методологияси: беморлар қўлланилган инфузион эритмадан кўра 3 гуруҳга ажратилди. Қон таҳлили учун намуналар терапияга қадар, 90 дақиқадан сўнг, инфузиядан кейин 24 ва 48 соатдан сўнг, шунингдек стационардан кетаётиб олинган. Эритроцитларнинг морфологик ўзгаришини баҳолаш “семиз томчи” усулини қўллаш орқали амалга оширилган.


Натижаларга кўра, инфузион терапияни бошлашдан аввал барча беморларда нормал эритроцитларнинг (дискоцитлар) миқдори камайиши ва патологик шакллариининг кўпайиши кузатилди, бу эса микроциркуляциянинг бузилишига ҳамда циркулятор гипоксиянинг мавжудлигига ишора қилади.

Инфузиядан кейин 90 дақиқа ўтгач, ГЕК ва Гелофузин қабул қилган беморларда дискоцитлар миқдорининг ортиши ва патологик шакллариининг камайиши кузатилди. Физиологик эритма қабул қилган беморларда эса сезиларли даражада яхшиланиш кузатилмади (расм 1).

